



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

(Боши 1-бетда).

— Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш буйича жамоатчилик комиссияси ишини ташкил этиш ва комиссия зиммасига юклаган вазифаларнинг бажарилишига ердан бериш;

— қатагон этилган фидойи ватандошларимизни номманданиқ мақсадида жамоатчилик комиссияси томонидан мамлакатимиз ҳудудларида тузилган илмий-ишчи гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

— шахид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жиллик «Қатагон қурбонлари» хотира китобини яратиш ва нашр этишга қўллаб-қувватлаш;

— ҳориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқалар урнатилиш, ҳамкорлик қилиш ҳамда ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд маълумотларни излаб топиш ва урганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этиш;

— қонунда белгиланган тартибда ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси-

дан 20 миллион сум ажратсин. «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва унинг тасарруфига кирувчи бўлимлар, қорхоналар барча турдаги давлат солиқларидан, боғна тўлови ҳамда давлат бюджетига ўтказилмаган бошқа туловлардан беш йил муддатга озод этилсин.

Хомийларнинг даромаддан тулайдиган солиқ буйича базаси уларнинг жамғармага ўтказилган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармасини Тошкент шаҳар Навоий кўчасидаги 69-уй (Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ Қўлвзмалар институти биноси)га joyлаштирсин.

8. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигига «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси бошқарувини шаҳар ва ҳўкумат телефон алоқаси билан таъминлаш топширилсин.

9. «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси «Адолат» ва «Маънавият» нашриётларида «Истиқлол фидойилари» туркумида мустамлакачилик даври қурбонларининг илмий-ижодий мероси, улар ҳақидаги тадқиқотлар, Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи хотиралар, ёдочалар, шунингдек, тарғибий-таълимий адабийлар ва курғамали воситаларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Президент дeвoни архиви ва Бош архив бошқармаси Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссияси ҳамда «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси суровларига биноян, зарур архив ҳужжатларидан фойдаланиш учун тегишли шартлар яратсин.

9. «Узтелерадио» компаниясига «Унутмас мени Ватан» номли махсус ижодий гуруҳ ташкил этиб, мустамлакачилик даври қурбонларининг хотирасини абадийлаштиришга оид амалга ошириладиган ишларни мунтазам ёритиб бориш топширилсин.

10. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Х.Кароматов зиммасига юклаган.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 22 июль.

УРУҒЛИК ТАНЛАШДА ҲИҚМАТ КҮП

(Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари галлачиликда вужудга келган бу вазиятнинг барча жиҳатларини теран таҳлил этиб, галла уруғчилигини ривожлантириш, ҳар бир минтақанинг тупроқ ва иқлим шaroитига, имкониятига мос серхосил навларни яратиш вазифасини қўйди. Тез орада Андижон вилояти юртимизнинг уруғчилик базасига айланди. Галлачилик тарихида буриштириш ясаган бу муҳим тадбир ҳозирдаёқ уз самарасини бера бошлади. Бу йил Андижон вилояти галлакорлари топширган 220 минг тонна галланинг 175 минг тоннаси республика уруғлик фондида тегишлидир.

Хукуматимизнинг галла уруғчилигини ривожлантириш борасидаги тинимсиз саяё-ҳаракатлари натижасида Самарқанд вилоятида ҳам галлачилик мактаби вужудга келди. Бу ердаги «Элита» Ўзбекистон-Ирландия қўшма корхонасининг кўмакида бугунги оиди иштирокчи «Ўзбекистон», «Улугбек-600» нави яратилди. Бу нави барча агротехника талабларига риоя қилиб парваришланганда гектар бошига камда 70-75 центнердан сарадон беради. Поёси бақувват, етиб қолмайди, касалликларга кам чалинади. Бошоғи булғик, дони мағизлидир.

Мамлакатимизда дон мустақилигини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериладиганининг боиси шундаки, жуда катта иқтимоий ва сийсий аҳамиятга эга бўлиб, вазифасини тезроқ ҳал қилишни ҳаётнинг узи такозо этмоқда. Уз навбатида бу мавжуд майдонларда ҳосилдорликни кескин ошириш йўли билан мўл ва сифатли дон етиштиришга эришиш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Мўл ҳосил эса аввало уруғликка боғлиқ. Зеро, халқ мақолида айтилганидек, мағзи пўч уруғдан туқ дон олиб бўлмайд.

Юртбошимиз Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига қилган сафарлари чоғида деҳқонлар, фермерлар, мутахассислар ва мутасадди раҳбарлар эътиборини ана шу масалани

зўр қатъият билан ҳал этиш заруриликка яна бир бор қаратди. Гап шундаки, четдан келтириладиган «Купава», «Скифянка», «Юна», «Половчанка» каби навлар вақт ўтиши билан деҳқонга панд бериб қўймоқда. Бошқача айтганда, «Меҳмон» навларининг кўпчилиги бизнинг турли табиий иқлим ва тупроқ шaroитимизда туқ қўйиб, палак отолмаётгани тобора аён бўлиб қолмоқда. Юртбошимиз бунинг сабабини тушунириб, мазкур навлар табиатида узи «униб усган» шaroитда, заминда бараж ривожланишига кўпроқ мўйиллик сақланганини таъкидлади.

Мақсад шунки, селекционер олимларимиз мамлакатимизнинг турли минтақалари туманлари ва ҳатто йирик хўжалиқлари шaroитига мослаштирилган, турли касалликларга чалинмайдиган, мўл ҳосил берадиган бир неча навларни етиштириб тасвирга келтириш, уларнинг қайсиларини етиштиришни эса деҳқонларнинг узига қўйиб беришларини. Шундангина даладардан кузланган микродона ҳосил олиниши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг бу бордаги қўрсатма ва тасвиқлари Вазирлар Маҳкамасининг «Бошоғли дон экинларини навлар буйича жойлаштиришни тақомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ўз ифодасини топди.

Қарорда республика хўжалиқларида бошоғли дон экинларининг юқори ҳосиллиги, касалликларга ва зараркундаларга чидамли иштиқболли навларини оқилона жойлаштиришни, минтақаларнинг тупроқ-иқлим шaroитларини ҳисобга олган ҳолда бошоғли дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навлар буйича жойлаштиришнинг ҳар йили дастурлари уз вақтида ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини таъминлаш буйича зарур чора-тадбирларнинг бутун бир мажмуи белгилаб берилган. Жумладан, бошоғли дон экинлари навларини янгилаш ва уларни навларга кура жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари кузда тутилган.

Ана шу мақсадда ҳар бир минтақадан қўли билан 3-4 хил юқори ҳосилли, етиб қол-

майдиган, касалликлар ва зараркундаларга чидамли навлар экилишини назарда тутган ҳолда бошоғли дон экинлари навлари республикамизнинг турли минтақаларида етиштириш учун танланади. Мамлакатимизнинг турли минтақаларига татбиқан янги серхосил ва касалликларга чидамли навларни жадал яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун бошоғли дон экинларига доир селекция-уруғчилик ишларини олиб боришнинг замонавий технология ва йўналишлари қўлланилади. Жанубий минтақалар, айниқса чул ва ярим чул минтақалар учун навлар уруғлар етиштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда бу борда ҳозирдаёқ кенг қуламли ишлар аажиб олдирилмоқда. Хусусан, республика галлачилик илмий-тектиши институтининг Галлабол филиали олимлари бу борда олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир.

Институтнинг Баҳмал туманидаги тажриба майдонида бугунги «Сурхондарё-5688», «Оқбўғдой», «Геркул-40», «Эритроскормор-401» деб аталган ҳосилдор, эртапишар ва турли касалликларга чидамли навларни етиштирилмоқда. Айни вақтда 250 гектар тоғли майдонда юқори репродукциядаги уруғчилик бугдой етиштириш устида иш олиб бориляпти. Утган хўжалик йилида 277 тонна шундай уруғчилик етиштирилиб, унинг 120 тоннаси хўжаликларга сотилди. Тоғли майдонларда тупроқ эрозиясининг олдини олиш мақсадида горизонтал текисланган тажриба майдонларида олиб бориладиган ишлар олимларини гоят қизиқтирмоқда.

Галпнинг сирасини айтганда Юртбошимиз раҳномалигида ишлаб чиқилган галла етиштиришни кўпайтириш сийсати нақадар ҳаётбахш кучга эга бўлиб, иштиқболимиз саккиз йиллиги мамлакатимизда тула дон мустақилигига эришишда яна бир муҳим қад амалга оширилган аяққол далолатидир.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ, УзА шарҳловчиси.



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯҒОНА

Яқинда ишга туширилган «Турақурғонбиоазот-ЛТД» корхонаси ҳафтасига 22 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, келгусида у бутун Фарғона vodiysидаги хўжалиқларнинг ўғитта бўлган эҳтиёжини қондира олади.

Биоўғит барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари учун ҳосилдорликни ошириш ва унинг пўшлик етилишини тезлатиш хусусиятига эга. Бир килограмми 600 сум туради, 150 килограмм селитра кучини беради. Ернинг тупроқ таркибининг тўқайди, зарарли моддаларни йўқотди, Заминга малҳамлиги, хулфайда восита эканлиги туфайли хўжалик раҳбарлари ва деҳқонларни гоят қизиқтириб қўйди. Корхона маҳсулотини шўхрати тобора ортиб бормоқда. Ундан экинлар парваришида шу йилнинг узидаёқ кенг фойдаланишни кузлаб шўшилсин бюуртма бераётган хўжалиқлар оз эмас.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осийёда биринчи бўлиб қўрилган мазкур биоазот корхонаси Президентимизнинг республикамиз қишлоқ хўжалигини дунёда энг ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш тўғрисидаги даъват ва қўрсатмаларига амалий жавоб тарзида вужудга келди.

Ё. ДАРМОҲОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Биоазот ўғити технологияси ижодкорлари \* Ўзбекистон ФА Микробиология институти директори, биология фанлари доктори Қажрамон Давронов (ўнгда) ва Иштиқболли тадқиқотлар ва инновация институтининг директори, физика-математика фанлари доктори Бадриддин Рискиев, оператор Анвар Абдуллаев корхонанинг фермент цехида. 2. Корхона маҳсулотини — «Ер малҳами».

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



АСАД: ҚУЁШ УЙИ, ҲОСИЛГА ЧИРОЙ

(Боши 1-бетда).

Шунинг учун ҳам барча экинлар ана шу паллада барқ уриб ривожланиб, боғлар тўқорлардаги, полилардаги «ноз-неъматлар» ширин-шарбатга тулади, мўл-кўпчилик устувор бўлади.

Тажрибали деҳқонлар, миришкорлар «Қузи хирмон» асдадаги ишлар қўрига боғлиқ» деб беҳиш айтишмайди. Худди шу паллада пахтазорларда, сабзавот пайкалларда, беповн боғларда ҳар бир иш нарсини ва сифатли адо этилса, ана табиатнинг шу даврдаги سخавати ила йўғрилиб, мўл-кўп ризқ-рўз яратилади. Ота-боболаримиз саксон кунда саккоқда, тўқсон кунда товоқда, деб хўп толиб айтишган. Ноз-неъмат етиштирувчи, яратувчи инсонларнинг бутун саяё-ҳаракатлари ана шу тўқсонини кўнларда, яъни айни асда палласида тула нарсани бўлиб, эл-юрт дастурхонига ризқ-рўз сифатида тортиб этилади.

Асда палласида беповн боғлар болга тулиб, пайкалларда қовун-тарвуз гарк пишади. Шунинг учун ҳам асдаги йилнинг энг сермаҳсул ва тўқин оиди деб таърифлашади.

Бу давр пахтачилик соҳаси ходимлари учун ҳам гоят маъсулияти билан кўп қўриққон пайтада мавсум охирида йиғиб-териб олинмаган ҳосилнинг мўл-кўп бўлишига асос қўйилади. Азамат деҳқонлар гулини булик ҳосилларга айлантириб, уларнинг тобора тезроқ пишиб етилишини таъминлаш пайтада бўлади.

Сўғоришни оби-тобида олиб бориш билан бирга ургимчакана ва бошқа ҳашаротларга қарши кураш чораларини ҳар бир минтақанинг табиий-иқлим шaroитидан ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бажариш талаб этилади. Худди шу паллада гуза гўлаб кетишига йўл қўймайлик. Ҳосил тулашни тезлаштириш мақсадида муҳим агротехник тадбир — чилпиш амалга оширилади. Ҳар йил гектар майдонда 100-110 минг тул гуза бўлган пайкалда ҳосил шўхи 15-16 тага етганда чилпиш мақсадида мўрсиқир дову тадбирини кўп кўчи билан, механизмлар ерда-мида ёки кимёвий моддалар орқали амалга ошириш мумкин.

Хуллас, бу оид — деҳқон учун зарбдор маъсулияти палла. Уни кўпчилигидек ўтказиш мўл ҳосилга, тўқинликка гаров бўлади.

Тахриратнинг деҳқончилик бўлими.

ЯНГИ УСУЛ ҚЎЛ КЕЛДИ

Сурхондарё вилоятида 2 та хўжалик, яъни Термиз туманидаги «Халқобод» ва Сариев туманидаги Г.Хидиров номли ширкатлар намунали хўжалик деб топилди ва тажрибасини урганиш ҳамда республикага кенг ёйиш тасвирга келинганди. Аслида, бундай хўжалиқлар Сурхондарё вилоятида қўллаб топилди. Бир туманда кам деганда, иккинчи хўжалик иш юртишнинг янги ҳақиқати усули — ширкатга ўтишга тайёрлигини жорий йилнинг бошидан бошлаганда. Ана шу хўжалиқлар утган олти — уй мўйабинида ширкат талабларини тула урганиб, унинг шартларини ўзлаштириб жорий этдилар.

— Президентимиз Ислам Каримов сессия ва бошқа нуфузли йиғинларда қишлоқ хўжалик соҳасида иш юртишнинг узартириш заруриятини бир неча бор айтиб, — раҳбарлар олдиға вазифалар қўйдилар, — дейди туман бошқармаси бошлиғи Шамсиддин Орипов. — Эскича ишлаб бўлмастлигини тушуниб, мулоҳаза-

лардан сўнг ширкат усулини узимизга мақбул билдик. Унинг афзаллиги шундаки, иш юртиш бутунлай узарди. Бошқача айтганда, хўжалик раиса сақланган ҳолда бригадир ва унинг ҳисобчиси, яъни таъсисчи деган боқимандалар қисқартирилиб ширкатчиларнинг ўз ихтиёри билан бош пудратчи лавозимини жорий этдик.

Ерларни оилавий ижарачи ёки пудрат асосида бўлиб беришни 1996 йилда бошлагандик. Уч йил муддатта ерни деҳқонларга топширишимиз бугунги кунда кузланган мақсадни берди, дея оламиз. Энг муҳими, одамларнинг ерга бўлган муносабатини узартирдик. Амаллаб экинни жорий этиш имконини йўқотмадик. Ортиқча сарф-харажат каби иллатлар йўқолди. Ерга одамларнинг меҳри ошди. Қандай қилса, мўл ҳосил олади? Шулар ҳақида уйландиган бўлдилар. Ширкат салбий ҳолатларнинг ҳаммасига барҳам берди. 9303 нафар одам пайучи ҳисобланади. Пай ҳиссаси уларга анж, Асосан 2 та мўл ва ер пайи. Уртача бир пай 34,5минг сумга тўғри келади.

Туманда жами бўлиб, 9350 гектар сўғорилмаган ер бор. Унинг 5215 гектарида пахта етиштирилади. 3320 гектар ерда галла экилади. Галлада 417, пахтада 1866 пудратчи меҳнат қилдиладилар. Иш асосан шартнома асосида бажарилади. Даставвал хўжалик билан шартнома тузилади, далолатнома ёзилади. Етиштирилмаган экинларнинг ҳосил белгиланади.

Яна бир янгилик шунки, пудратчи ёки ижарачи шартномани раис билан тузади. Ширкатлар уюшмасида олдингидек бухгалтер эмас, молиявий ҳисоблаш маркази фаолият юргизмоқда. Унинг бу ерда ҳисоб рақами бор. Қўлида эса чек дафтари, ер, ўғит, уруғ, ёқилги, бажариладиган иш ҳажи, ҳаммаси ёзилган бўлиб, ҳисоб-китоб уз вақтида қилинади, Фойда кўп бўлса, ҳаммаси узиники. Мабодо акси бўлса, зарарни тулашга мажбур.

Мана шу тартибга Г.Хидиров номли ширкат аъзолари уч йилдан бери амал қилиб келмоқдалар. Туманнинг бошқа хўжалиқларида ҳам чек тартиби жорий этилган. Ер кам, аҳолиси кўп бўлган

Сариевдеҳқон туманида бундай янги ҳақиқати усули қўл келмоқда. Утган хўжалик йил якунига назар солинадиган бўлса бир гектар сабзавотдан Г.Хидиров номли ширкат 329375 сум, И.Диверов номли ширкат 443000 сум даромад олган бўлса, «Суфиян» ширкат хўжалигининг сабзавотдан олган даромади бир миллион сумдан ҳам ошиб кетган.

«Тоқчиён» ширкатидан Х.Давлатов, Ф.Ашуров, Ю.Нарзуллаев, Фобур номли ширкатдан Т.Тоғоев, «Суфиян» ширкатидан Х.Сафаров, С.Худойқўлов, «Дустлик» ширкатидан М.Ҳамзаев ҳар гектар сувли ердан 50-51 центнердан галла олиб, унинг урнига экинган кўнғабоқардан 6,5-7 центнер ҳосил олишга эришдилар.

Сариевдеҳқон деҳқонлар ерни эъозлаб, узгача меҳор билан меҳнат қилаётганликлари боис ҳам Сурхондарё вилоятида пахта ва галла етиштириб сотишда биринчи бўлаётдилар. Бу аънаъа жорий йилда ҳам бўзилмайди. Негаки, сузи билан иш бир деҳқонлар мўл ҳосил ҳадисини билиб олганлар.

Маммурихон БОТИРОВ.

Полда Мирсултон бува деган бутун водийга доврўкли бир деҳқон бўларди. Узи ҳам меҳнаткаш, фидойи инсон эди раҳматли.

Мирсултон Фавзев деҳқончилик мактабини яратган миришкор пахтакор бўлиб отан билан бирга меҳрибон ола, айни пайтада қаттиққўл талабчан устоз-муррабий ҳам эди. Бугун Поп далаларида буванинг қўллаб шогирдлари меҳнат қилияпти. Фарзандлари, набиларини эса Поп деҳқонларининг олдинги сафида бораляпти.

Сиз албатта «Ширмоной» ҳақидаги қўшиқни эшитгансиз.

Попнинг попуқ кизларига, Ширмонойнинг кизларига яли-яли-е, яли-яли-е...

Тиниб-тинчимаслиги, ташкилотчилиги билан оддий теримчиликдан туман раҳбари даражасига кўтаришган, номи кўшиқларга тушган Ширмоной Мирсултонова буванинг суюкли қизи эди.

Бугун Мирсултон бува даласида унинг набираси Отабек Фавзев меҳнат қи-

БОБО ВА НАБИРА

ДЕҲҚОН СУЛОЛАСИ: КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?!

Отабек ёш, сергайрат йигит. У ҳаммиса бобосига мулоқат бўлиш, бобосининг деҳқончиликдаги узига хос аъналарини давом эттиришга ҳаракат қилади. Айни пайтада бу аъналарини мустақиллик берган эмин-эркинлик даражасида фойдаланган ҳолда бойитиш, янгиликка интилиб, изланиб меҳнат қилиш, тадбиркорлик унинг кўндалик иш тутимига айланган.

Мирсултон бува ҳар қанча доврўкли, обрў-эътиборли деҳқон бўлмасин, уз даврининг одами эди. Давр эса одамларни бир қўлида, бир чизикда ушлаб туришдан кўпроқ манфаатдор эди.

Киёвлаш учун оддий мисол: Мирсултон Фавзев ишлаган даврлар пахта яққақоқимчилик ҳўжумрон бўлиб, кекса деҳқон даласига фақат шу экин турини экишга мажбур эди. Отабек Фавзев бўлса бу-

ЎТОВАРИН КЕРАГАСИ ПЎЛАТДАН ҲАМ МУСТАҲКАМ

(Боши 1-бетда).

битта, деҳқонлари учун биттадан 30 та, қорақўлчиликка ихтисослаштирилган 8 та хўжалик учун 8 та — жами 52 та ўтов текилиди. Анжуманга қорақўлчиликнинг мин нафар чўпон-чўлиқдан ташқари халқ хўжалигининг турли тармоқлари вакиллари, зивиллар, раҳбар ҳодимлар, Қозоғистон мамлакатининг Қизилўрда, Туркманистон мамлакатининг Тошқовуз, мамлакатимизнинг Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларидан, давлатимиз пойтахтидан кўп сонли меҳмонлар келдилар.

Одатда бу тарздаги анжуманлар ибтидосидан бошлаб расмий тус олар, маъруза-ю мажлислардан иборат бўлар эди. Сиполига таърифининг биринчи кўни бундай тадбирлардан бутунлай йироқ бўлди. Нон-туз, қимиз-қимрон, шўботу шарбат билан қўтиб олинган азиз биродарлар минбарларга эмас, ширин сўхтаб қизиган ўтовларга тақлиф этилди. Эрталабдан тун ярми қадар халқ томошалари — миллий кураш, кўчқор урмистириш, кўпқари аёвжга чиқди. Ўзбекистон ва Қорақўлчиликiston халқ шoirи Ибройим Юсулов шеър ўқигач, нават уша ўтовдаги мулоқот иштирокчиси, ақолиб хонанда, Ўзбекистон, Қорақўлчиликiston, Туркманистонда кизмат курсатган артист Мирзагул Сафовага берилиб, у юқоридики қайд қилинган муаллиф сузалари билан айтиладиган жозибали қўшиқни қўйлаб берди. Эзлик икки ўтов уртасидаги сахнада эса Қорақўлчиликistonда кизмат курсатган артист Санобар Сафарбоева, қорақўлчилик эстрадасининг иштиқболли вакилларидан бориб Олтиной Ажиниезова ва бошқа ўнлаб хонандалар, раққосалар меҳмон ҳамда меҳмонларни хўшнуд этдилар. Қурултой чинакам сайил тусини олди.

Анжуманнинг иккинчи кўни янада завқли ўтди. Ҳали қуёш уфқдан бош кутармасидан аввал қавандозлар пойғаси уюштирилди. Давраларда соз ва сўхтаб авж пардага кутарилиди. От изини той босади, деганларидек, қузи ўткир, сузи равон шoir Халилла Давлетназаров атоқли салафлари — Содиқ Нуриллаев ва Аббос Доболев аъналарини давом эттирган ҳолда шеърларини баҳшиёна йўсинида ўқиб берди.

Сунгра қорақўлчилик кейинги даврда бажаришган ишлар, қўлга киритилган натижалар, соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикрлашиб олдилар. Давроқе, Қорақўлчиликiston қорақўлчилик қишлоғи ача дуруст яқунладилар. Жами 73033 бош кўзи олинди, унинг 38576 боши, бошқачасига айтаганда 53 фойизи устиришга йўлдирилди. Шуниси эътиборга лойиқки, устиришга қолдирилган қўзиларнинг 20086 боши ургочи қўзилардан иборат. Демак, қорақўлчиликiston қорақўлчиликiston иштиқболли ўйлаб иш қурмоқдалар.

Мавсум якунига кура қорақўлчиликiston чўпонлар ҳар 100 бош совиқдан 95 бош қўзи олдилар. Бу курсаткич Кўнғурт туманидаги «Устюрт», Туртқул туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалиқларида 98, Эллиқалъа туманидаги «Бухон-Мерей», Беруний туманидаги «Кизилқалъа» ширкат хўжалиқларида 97 бошни ташкил этди. «Қизилқум» хўжалигининг бош чўпони Мақсуд Жабборов ҳар 100 бош совиқдан 105 бош қўзи олди. Муваффақиятлар оз эмас. Айни пайтада муаммолар ҳам етарли. Қурултойда бу ҳақда атрофлича фикрлашиб олинди.

Темур КАМОЛОВ, Қорақўлчиликiston Жўқорги Кенгеси Раиси.

— Иккинчи марта ўтказавтган қурултойимиз бутун жамоатчилигимиз, ҳокимликлар, барча идораларнинг эътиборини қорақўлчилик муаммоларига, чўпон-чўлиқларнинг кам-қустига қаратмоқда. Оролбўйи қорақўлчиликда улкан узғаришлар нафаси сезилмоқда!

Жангабой БЕКТИМБОВ, Қизилўрда вилояти Жан



# ЎЗБЕГИМНИНГ ҒУРУРИ БОР, ОРИ БОР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алломиш Бойсарини Қалмоқшоҳ зулмидан қутқариш учун қалмоқ элига бориб, Сурхайил кампирнинг макрига учрайди. Кампир Алломишни хийла-ю найранг билан банди этиб, чоғга ташлайди. Шу ётишда Алломиш етти йил ётади. Охири бир ғознинг қанотига хат битиб учиради. Ғоз Қалдирғочийимга Алломишнинг арзини етказди. Қоражон ўз дўстининг асирликда эканини Қалдирғочийимдан эшитиб, қутқаргани келади. Чоғ тепасига боради. Чоғнинг ичида ўтирган Алломиш тепадан бир шарпани сезди-ю, унинг ким ёки нима эканини билмайди. Алломиш ким келганини билиш учун чоғнинг ичидан сўрайверади:

— Отажоним келдингма, Онажоним келдингма?  
Бобожоним келдингма, Момоажоним келдингма?  
Едгоржоним келдингма, Қалдирғочим келдингма?  
Бойчоборим келдингма, Ёрижоним келдингма?  
Култойбобом келдингма, Қариндошим келдингма?  
Барчийоим келдингма, Ёрижоним келдингма?  
Қадрдоним келдингма, Қоражоним келдингма?

Алломишнинг бу сўзини эшитган Қоражон, наҳотки, менинг сен садқотли дўстинг эканимга шубҳа қилсанг. Наҳотки, бешинча бир мушкул иш, ташвиш тулганда ёнингга энг биринчи бўлиб мен этиб келишимга шубҳа қилсанг. Булмаса, сен менинг номимни биринчи бўлиб сўраган бўлардинг. Буни қарагин, сен менинг отимни хотинингнинг отидан сўнг айтдинг, деб Алломишга гина қилади.

Молингди айтдингга, хўб айтдинг,  
Холингди айтдингга, хўб айтдинг,  
Шундай-хай дўстлар бўлама,  
Сен мени хотиндан сўнг айтдинг.

Қоражон Алломишни чоҳдан чиқариб олиш учун бир чилвир ташлайди. Алломиш ул чилвирдан тортилиб тепага чиқа бошлайди. Чоғнинг ярмилирига келиб қолганда ўйлайди: «Тўхта, мен бунинг номини сал сўнгроқ айтганимга шунча гина қилиб ётибди. Бугун мени чоҳдан чиқариб олса, эртага кўпчиликинг олдда, хой, Алломиш, мен сени чоҳдан чиқариб олиб эдим, деб миннат қилмайдими?». Алломиш чоғга оёғини тираб, чикмай турди. Қоражон чилвирни у ёқдан тепага тортиди, Алломиш бу ёқдан пастга тортиди. Икки зўрнинг ўртасида бир чилвир нима, шарт этиб узилиб кетди. Алломиш гурсиллаб чоғнинг тубига тушди. Буни кўрган Қоражон сўрайди:

— Ҳа, жўра, нима бўлди?  
— Эй, жўра, ипинг чирик экан, — дейди Алломиш.  
— Эй, жўра, ипинг-ку чирик эмас эди, кўнглинг ирик (ириган) экан, — деди Қоражон ҳам...»

Бу воқеани ҳар эслаганимда мен Алломишнинг ҳам, Қоражоннинг ҳам орияти ва ғурури қай даражада мустаҳкам эканига тан бераман. Албатта, бу халқ озғаси ижоди, лекин унда боболаримизнинг орзу-армонлари ифодаланган, халқимизга хос бўлган хусусият акс эттирилган. Унда миллатимизнинг ғурури баланд экани кўринади. Бу, албатта, биз — ёшларга ҳам ўрнак ва ибрат бўлади. Шундай халқимиз борлигидан кўнглимиз фаҳру ғурурга тўлади. Ва айнан шу ўринда Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» шеъринида туйғу юрагимиздан кечади:

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айттин десалар менга,  
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она халқимга.

Рустам МУСУРМОН.

1999 йил — Аёллар йили



## ШУНДАЙ ОНАЛАРИМИЗ КЎП ЯШАСИН

78 ёшли Зухра Тошева 40 йилдан кўпроқ адолат йўлида ҳалол меҳнат қилган онахонлардан. У киши умри давомида Ғиждувон, Когон, Қизилтепа туманларида суд раиси бўлиб ишлади, ўнлаб малакали шоғирдлар тайёрлади. Онахоннинг уч нафар фарзандлари ҳам ҳуқуқшунослик касбини эгаллашган.

кўп йиллик меҳнатлари яқинда муносиб тақдирланди. У кишига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» унвони берилди. Шунингдек, кўлга қиритган ютуқлари боис «Шўрат» медаллари билан тақдирланди. Суратда: Зухра опа Тошева невариси Зарнигор билан.

Р. АСЛОНОВ олган сурат.

Фидойи инсон Зухра опанинг

## СУВ БЎЙИДА СУВГА ЗОРМИЗ

Шундай сўзни эшитганмисиз, киши сув бўйида яшасада, ўзи доим оби-ҳайтга ташна бўлса. Мумкин эмас дейсизми? Унда биз истикомат қилаётган Зағнота туманидаги Мирзо Улуғбек номи жамоа ҳужалиги ҳудудида жойлашган Бўзсув қишлоғини келиб бир томоша

### Луқма

қилинг. Кўриб, ёпирай демасангиз мен кафил. Негаки шундоққина ёнимиздан номи машур Бўзсув канали оқиб ўтади. Лекин мана шу ном билан ата-лабидан қишлоғимизда бугун сув йўқ. Натижада ҳозирги жазирама иссиқда дов-дароҳт ва экинлар ташналиқдан қовжираб кетапти. Соғ-салкин жойларга тобора путур етаяпти. Бу ҳақда ҳужалик ва туман раҳбарлари ҳам бир неча бор арзи дод қилди. Аммо саъй-ҳаракатларимиз самарасиз кетди. Ўйлаб-ўйлаб охири қишлоқ меҳнатқашлари дардига кўпроқ қулоқ тутадиган кадрдон газетамизга мурожаат қилмаемиз. Шояд ушбу луқмамизни ўқиб мутасадди раҳбарлар муаммоинини хал этишса...

Музроб ТИЛЛАХУЖАЕВ.

## ТЎҒРИЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА

- Диннинг офати учтадир:
  1. Беамал олим.
  2. Золим ҳоким.
  3. Билмасдан фатво айтувчи уламо.
- Мунофиқнинг аломати учтадир:
  1. Гапирса ёлгон гапирарди.
  2. Ваъдасига бевафо бўлади.
  3. Ҳомонатга хиенат қилади.
- Илмининг офати унуттидир. Уни ноҳил кишиларга айтиш эса зое қилишдир.
- Аллоҳга энг ёмон кўринадиган киши — гина ва адоватни узок сакловчи одамдир.
- Зулмланган кишининг қарғишидан сақланглар. Зеро унинг дуосини тўсадиган парда йўқ, гарчи у кофир бўлса ҳам.
- Отангнинг дўстлигини давом эткиз, уни узма. Аллоҳ нурингни учуриб қўямасин.
- Амирнинг ҳада олиши ҳаромдир ва қозининг пора олиши кофирликдир.
- Шубҳалар билан жазога тортманглар. Улуғ одамларнинг хатоларини кечиринглар, илло Аллоҳ жазо белгиланган гуноҳи қабирилар бундан мустақодир.

### Жума ўғитлари

«ҲАДИСЛАР»дан олинди.

### Газетхон илҳами

## ОНА ЮРТИМ БУҒДОЙИ

Аждодларнинг руҳи бўлган муштарак, Хосил чўғи довуздан берган дарақ, Азиз Ватан, энги бугдой муборак, Ширмон ёлиб олқишлади новвойи, Олтин бошоқ — Ўзбекистон бугдойи.

Улуғ ризқим, тенглари тенглигим, Шовуллаган бошоқ мавжли денгизим, Саховатда бағри олам кенглигим, Ўзингиздек номингиз ҳам бинойи, Олтин бошоқ — Ўзбекистон бугдойи.

Сиз элимга ғурурсиз ва ифтихор, Бош эгади бошоғингиз ҳар баҳор, Бугдойзордан гўзаллашди хур Дибр, Хирмонлару тегирмонлар чиройи, Олтин бошоқ — Ўзбекистон бугдойи.


Истиклолдан Сиз кўчдингиз зафарлар, Донангиздан долдир дуру садафлар, Сизни буюк Йўлбошимиз шарафлар, Меҳрин сочди осмон, қўшни, ойи, Олтин бошоқ — Ўзбекистон бугдойи.

Мухаббатли инсон қалбин ошиғи, Хар донагиз бобо дехон ютуғи, Асли сизсиз бу дунёнинг қўшиғи, Истикболга «Ўзбекистон» нави, Олтин бошоқ — Ўзбекистон бугдойи!

Мирзажон ИСЛОМОВ.

## БОШҚОТИРМА

1. Пахта ғарами. 2. Қулоқлари узун, сут эмизувчи, отдан кичик иш ҳайвони. 3. Пахта териш учун махсус тикилган фартук. 4. Бол арилар гуллардан нектар йиғиб тайёрлаган суюқлик. 5. Боронанинг ёғочдан ясалган жайдари тури. 6. Ҳаё, ор, номус. 7. Одам ёки ҳайвон танасига ёпишиб, қон суриб ҳавт кеңирувчи паразит жонивор. 8. Одамга урганмаган, ургатилмаган. 9. Ботқоқликда усадиган, бошоқларида гуруч етишадиган дон усимлиги. 10. От, мол ахлати. 11. Ёввойи қорамолнинг бир тури. 12. Кичик сув йули, узани ва ундаги сув. 13. Ургочи ҳайвонларнинг сут ажратиш органи. 15. Экилмай ётган сувсиз ер, чул. 16. Сўйилган жониворнинг истеъмол қилинадиган қисми, эт. 17. Атиргуллилар оила-сига мансуб кўп йиллик мевали дарахт. 18. Халқ шоири, бахши. 19. Уй ҳайвонлари учун махсус қурилган бино, молхона. 20. Уловга қўшиб ер ҳайдайди-дан металл тишли ёғоч асбоб. 21. Чорва молларининг катта тудаси. 22. Ғуза гуна-чиси. 23. Япроқ ва меваларда доғ қолдирадиган замбуруғ касаллиги. 24. Гилдираксиз арава. 25. Шўр кул суви.



**БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ**

ИЗОХ: Бошқотирмани ечиш учун каттак ичида берилган чиққадан бошлаб, соат мили бўйича юриб ҳарфларни ёзиш керак.

Тузувчи: Тожида УМАРОВ.

## ТҮРТ ОЁҚЛИ ТОВУКЛАР

АҚШдаги Гарвард университетининг олимури қанот ўрнида тўрт оёғи булган товуқларни етиштиришмоқчи! Улар тўвучи оёғининг ўсишга тасир этувчи генларни ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Ушбу генни ҳужайраларнинг янотига урнатилди ва бир неча ойдан сўнг тажрибонада... тўрт оёқли товуқлар сайр қилиб юришарди. Товуқларнинг янги аъзолари умуман пў билан қопланмаган. Тўрт оёғи товуқларнинг етиштирилиши ҳужа табакка мухлисларининг иштаҳасини янада очиб юборса, ажабмас.

## ЗАМОНАВИЙ ҲАЗИЛ

Яқинда «Рейтер» агентлиги Буюк Британиянинг Нарберт шаҳрида бўлиб ўтган қарийд бир ҳодиса ҳақида қабар қилди.

1999 йили март ойида қазо қилган Жонни Морганнинг барча дўстлари қутулмаганда ундан «Афсуски, сизлар бу ерда эмасиз-да», деган сўзлар эзилган ортиқча олишди. Ортиқчада арфа чалаётган ик-

ки фаришта тасвирланганди. Мактуб юбрувчининг манзили ёзилмаган жойда эса «Арши аъло» деган ёзув турарди. Ута ҳазилкаш ва хўшчақчақ инсон булган Морган тирикликдаёқ оғайнилари билан ҳазиллашшнинг ўзини хос шундай йўлини ўйлаб топган бўлса керак. Ғаройиб қилиқлари билан танилган Морган, шунингдек, узининг ҳоки солинган идишни ракетга жойлаб, океан томон учирини ва суи устида портлатиб юбруишни васият қилган эди. Ду-

## БУ АЖИБ ДУНЁ

стлари, турган гап, унинг васиятини тула бажо келтиришган.

## ҚУЮШҚОНДАН ЧИҚМАНГ!

Рухшун Д. Азаровнинг фирмачи, рок-музикчиларнинг узини-узидириш ҳодисалари кўп учрашининг сири — улар ижро этаятган мусиқада экан. Утган асрдаёқ рус ташқиқотчиси И. Догель узининг «Мусиқанинг асаб тизимига таъсири» номи асаридида мусиқа тинглаш оқибатида инсон ва ҳайвонларнинг қон босими, юрак қисқаришлари, нафас олиш мароми узаришини очиб берган. Ҳатто усимлик-

лар ҳам мусиқага бефарқ эмаслар.

Сокин куйлар таъсирида мимоза ва қарнайилларнинг усини тезлашди, ҳатто белгиланган муддатдан икки ҳафта олдин очилдилар.

Японияда 120 нафар эмизлик оналар билан тажриба ўтказилди. Уларнинг ями классик куйларни, қолганлари эса жаз ва поп-музикани тинглашди. Классик куйларни тинглаган оналарнинг суги 20 фоизга орди, замонавий мусиқа мухлисларининг суги эса тенг ярмига қамайибди. Замонавий рок-музикларнинг яна бир катта камчилиги — товушнинг жадаллашиб кетишидир. Ута баланд товушлар оқибатида тингловчиларнинг миёсидида тузатиб бўлмас патологик узаришлар юз беради. Рок-музикчилар орасида ўз жонига қасд қилганларнинг нияюнда кулпигининг сабаби ҳам шундидир, эҳтимол. Бир неча йил илгари буюр фас-лида уч нафар рок-музикчи ўз жонига қасд қилганди. Рухшун Д. Азаров баъзи рок-музикларнинг барча кўшикларини компьютерда анализ қилиб, уларнинг барчасига хос булган ягона нотани — ўз жонига қасд қилишга ундовчи мусиқий «калит»ни ажратиб олди.

Муҳаббат ЙУДЛОШЕВА,  
Дилдора ҚОСИМОВА таржималари.

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ 1999/2000 ўқув йили учун магистратурага

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Қабул:
- Давлат молиясини бошқариш;
  - Кредит;
  - Солиқлар ва солиққа тортиш;
  - Капитал қўйилмалар ва уларнинг мониторинги;
  - Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси;
  - Бухгалтерия ҳисоби;
  - Аудит мутахассисликлари бўйича бўлади.

Ҳужжатлар 1999 йилнинг 1 июлидан 30 июлигача қабул қилинади.

Кириш синовлари (махсус тест синовлари) 3-10 август кунлари ўтказилади.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Лутфий кўчаси, 18-уйда қабул қилинади.

Бош муҳаррир  
Ўткир  
РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири, «Ўзпахтасаноат-сотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабавотузмасаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

## МАНЗИЛИМИЗ 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КўЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиктисодий — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят муҳбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Боснахонаси  
Корхона манзили  
«Буюк Тўрон» кўчаси, 61-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фўкат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.